ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 21 (10.074) / 2004 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***29 январь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Олий Мажлисга Тошкент вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди.***

***Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Мамлакатимизни улкан қурилиш, ободончилик ва бунёдкорлик майдонига менгзаш мумкин. Барча вилоят ва туманларда, шаҳар ва қишлоқларда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу янгиланишлар нафақат Ватанимиз қиёфасида, балки халқимизнинг онги ва шуурида ҳам ўз инъикосини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида бўлаётган ўзгаришларни мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларнинг, улкан бунёдкорлик ишларининг узвий бир қисми сифатида баҳолади.

Тошкент вилоятининг мамлакатимиздаги ўрни ва мавқеи, инфратузилмаси ва коммуникацияси, табиий захиралари ва инсон ресурслари беқиёс. Юртимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 10 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 12 фоизи шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Афсуски, сўнгги йилларда вилоятнинг обрў-эътиборига соя соладиган камчилик ва нуқсонлар кўпаймоқда. Вилоят кўпгина соҳалар ва йўналишлар бўйича ортда қолмоқда.

Юртбошимиз вилоятдаги аҳвол ҳақида очиқ-ойдин гапирар экан, ижтимоий соҳадаги муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги аҳвол аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

У.Мирзақулов нафақага чиқиши муносабати билан Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Козим Тўлаганов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Қибрай туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги раиси Акмал Назаров, Паркент тумани ҳокими Мирзамашраф Кўччиев, Бўка тумани ҳокими Жўрабой Миралимов, Янгийўл шаҳридаги 3-мактаб директори Равза Зинурова ва бошқалар Президентимиз нутқида белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вилоят аҳлининг асосий вазифаси эканини таъкидлади. Воҳанинг азалий обрў-эътиборини тиклаш, катта салоҳият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, шуҳратини янада юксалтириш учун вилоят меҳнаткашлари учун ғайратини аямаслиги ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишини қайд этди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

### Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

*Муборак Қурбон ҳайити азалдан юртимизда халқимизга хос меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келаётгани, ушбу айёмда ёши улуғ кексаларга ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш хайрли анъана эканини, бу сананинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам - Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси*

***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. 2004 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январь

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### К.Н.Тўлагановни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Козим Носирович Тўлаганов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 январь

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### У.М.Мирзақуловни Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Уммат Маматқулович Мирзақулов нафақага чиқиши муносабати билан Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 январь

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### К.Н.Тўлагановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Козим Носирович Тўлаганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 январь

---

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг Болалар жарроҳлиги ва стоматологияси кафедрасига хайрия ёрдами сифатида тиббий жиҳозлар ва замонавий компьютер топширди.

● **БУГУН** Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Собир Раҳимов туманидаги Чустий номли маҳаллада «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳри бўлими томонидан кам таъминланган оилалар учун хайрия тадбири ўтказилди.

● **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 20 та кам таъминланган оилага хайрия сифатида тарқатилган озиқ-овқат маҳсулотлари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан ажратилди.

● **ҲАМЗА** туман педагог-тарбиячилар кенгашида **БУГУН** ўтказилган тадбир тумандаги тарбияси оғир болаларни тарбиялашда ўтган йилда бажарилган ишлар ва келгуси режалар муҳокамасига бағишланди.

● **ЭРТАДАН** бошлаб «Тошкент ёғ-мой комбинати» очиқ акциядорлик жамиятида корхона раҳбарлари ва мутасадди ходимларни лотин алифбосига ўргатиш бўйича ўқув курслари ташкил этилади.

● **ШИФОКОРЛАР** малакасини ошириш институтида тиббиёт соҳаси мутахассислари ва олимлар иштирокида уюштирилган семинар-тренингда инсон саломатлигини асрашнинг муҳим омиллари, шифокорларнинг замонавий тиббий технологиялардан унумли фойдаланишлари зарурлиги ҳақида сўз борди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

---

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Банк-молия академиясида «Ўзбекистонда иқтисодий таълим ислоҳотлари» мавзуида брифинг-семинар бўлиб ўтди.**

● **Андижонда анъанавий «Наврўз ялласи» танлови ўтказилди. Унда бадиий ҳаваскорлик дасталари, ижрочи ёшлар асрлар оша барҳаёт удумлар, халқ лапарлари ва оҳангларини янгича талқинда томошабинларга тақдим этдилар.**

● **Кореянинг Бутунжаҳон ёрдам фонди Ангрен шаҳридаги 60 нафар ўрта ва олий ўқув муассасалари талабаларига рағбатлантирувчи стипендияларни топширди.**

● **Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти вилоят марказидаги 32-махсус интернат-мактабни оталиққа олди.**

● **Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси вилоят ҳудудида «Диққат, болалар!» ўн кунлик тадбирини ўтказмоқда.**

● **Навоий вилоятининг Томди туманидаги «Оёққудуқ» ширкат хўжалиги марказида 500 нуқтали автомат-телефон станцияси қурилиб, хонадонларнинг барчасига телефон ўтказилди.**

### Жаҳонда

● **Таиланд пойтахти Бангкокда «Осиё журналистлари орасида минтақавий алоқаларни ривожлантириш» мавзуида Осиё журналистлари форуми бошланди.**

● **Германиянинг Кёльн шаҳрида Ливаннинг «Хезбаллоҳ» диний- экстремистик ташкилоти ва Исроил ўртасида асирлар алмашинуви бўлиб ўтди.**

● **Шимолий Корея Нигерияга ракета ишлаб чиқарувчи технология сотиш таклифи билан чиқди. Тез орада икки давлат ўртасида технологияни етказиб бериш тўғрисида дастлабки битим имзоланиши кутилмоқда.**

● **АҚШнинг шарқий қисмларига кучли қор ёғиши оқибатида электр энергияси тизимида узилишлар бўлди. Натижада 250 минг киши электр қувватисиз қолди, сўнгги тўрт кун ичида 56 киши ҳаётдан кўз юмди.**

● **Франция ҳукумати давлат муассасаларида диний либосларни кийишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.**

● **Интернет тармоғида Mydoom ёки Novarg номли янги вирус пайдо бўлди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мерос мол-мулк ҳисобидан қайси харажатлар қопланади?**

**В.Умиджонова, шифокор.**

Нотариус меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунига қадар, агар мерос қабул қилиб олинмаган бўлса, давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилгунига қадар мерос мол-мулк ҳисобидан:

1) мерос қолдирувчи касал бўлган вақт мобайнида унга қараб туриш, шунингдек вафот этган тақдирда уни дафн этиш ва қабрини обод қилиш билан боғлиқ харажатларни;

2) мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган фуқароларни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни;

3) иш ҳақи бўйича даъволарни ва уларга тенглаштирилган даъволарни қаноатлантириш билан боғлиқ харажатларни;

4) мерос мол-мулкни қўриқлаш ва уни бошқариш, шунингдек меросхўрларни чақириш ҳақидаги хабарни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни;

5) қонунларда белгиланган бошқа харажатларни тўлаш тўғрисида фармойиш беради.

* * *

**Турмушда кўнгилсиз воқеалар ҳам учраб туради. Айтингчи инсонга етказилган маънавий зарар ҳам қопланадими?**

**Ў.Сирожиддинов, тадбиркор.**

Агар етказилган маънавий зарар уни етказувчининг айби билан бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Шу боис жабрланувчи бундай зарар учун товон тўлаттириш ҳуқуқига эга. Маънавий зарар, тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар, пул билан қопланади.

Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда эса зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади.

Қопланадиган зарар, шу жумладан тўланадиган товон миқдорини аниқлашда, Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига мувофиқ, оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим.

* * *

**Кенжа қизим туғма ногирон. Уни кўриб жуда эзиламан. Лекин на илож, унга қандай ёрдам беришни, дардини енгиллатишни билмай хафа бўлиб кетаман. Яқинда ногирон ўғил-қизларнинг ўқиши учун ҳам махсус мактаб борлигини эшитиб қолдим. Шу тўғрида маълумот берсангиз.**

**Л.Ҳайдарова, уй бекаси.**

Пойтахтимизнинг ўзида харакат аъзолари шикастланган болалар учун 100-таянч мактаб-интернат фаолият юритади. Агар фарзандингиз қўлтиқтаёқда ўзини ўзи бошқара олса, бу мактаб-интернатда ўқиши мумкин. Унинг учун Республика халқ таълими вазирлигининг рухсати бўлиши керак.

## 2004 — Меҳр ва мурувват йили

***Бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз аввало ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Меҳр ва мурувват йили" дастури тўғрисидаги қарор қабул қилинди.***

# ДАСТУР АМАЛДА

Меҳр-мурувват халқимизга ота-боболаримиздан мерос инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти томонидан 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши ушбу азалий қадриятлармизни янада мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлида муҳим қадам бўлди. Мамлакатимиз раҳбари фармойиши билан тузилган комиссия Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий- маърифий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастур Обод маҳалла йилида бошланган хайрли ишларнинг мантиқий давомидир.

Унинг асосий мазмун- моҳияти халқимизга хос азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда ҳар бир инсоннинг давлат ва жамиятга муносабат ва эътиборини кучайтиришдан иборатдир. Дастурдан устувор масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар ўрин олган. У аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтожларга, кам таъминланган ва ногиронларга, боқувчисини йўқотган фуқароларга кўмак бериш масалаларини ўз ичига қамраб олган. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларни меҳрибонлик ва мурувват руҳида тарбиялаш , оилаларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ибратли анъана ва одатларимизни тарғиб қилиш вазифаси ҳам дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг асоси ҳисобланади.

«Меҳр ва мурувват» дастури доирасида махсус мактаб интернатлар, ногиронлик уйларини таъмирлаш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш, уларда тарбияланаётган болаларга, шунингдек кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-бош, ўқув қуроллари, дарсликлар етказиб бериш бўйича ҳам кўпгина ишлар амалга оширилиши лозим. Мазкур тадбирлар юртимизда бағрикенглик, меҳр-оқибат, ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш учун шароит яратади. Зеро, дастурнинг асосий мақсади ҳам жамиятимизда ҳеч кимнинг эътибордан четда қолмаслигидир. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 354 миллиард сўм сарфланиши режалаштирилган. Унинг 250 миллиард сўми давлат бюджетидан ажратилади.

**А.ҒАФФОРОВ, "Туркистон-пресс"**



# КЕКСАЛАР КЎНГЛИ КЎТАРИЛДИ

***Акмал Икромов туманидаги «Оқтепа» маҳалласи шаҳримиздаги аҳил ва файзли гўшалар қаторига киради. Ушбу маҳалла ҳудудида икки минг беш юзта оила бўлиб, ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайди.***

Албатта, катта маҳалланинг ташвишу муаммолари ҳам ўзига яраша бўлади. Ўтган йил декабрь ойида маҳаллага Собитжон Имомовни оқсоқол этиб сайлаганларида ушбу куюнчак инсоннинг хаёлидан ҳам юқоридаги ўйлар ўтди. Янги оқсоқол ишни дастлаб бутун маҳалладошлар турмуш-турмуши билан танишиб чиқишдан бошлади. Натижада 145 та оила моддий ёрдамга муҳтож, шулардан 35 таси ўта муҳтож эканлиги аниқланди. С.Имомов ўз маслаҳатчилари билан бирга Янги йил арафасида 16 та кўмакка муҳтож оилаларга совға-саломлар топширди. 140 та кам таъминланган оилалар фарзандларининг опеpeтта театрида арча байрамига қатнашишлари ташкил қилинди.

Халқимизда ҳайит байрамлари куни ёши улуғ табаррук қариялар, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларни баҳоли қудрат моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек эзгу одат бор. «Оқтепа» маҳалласи фаоллари ҳам Меҳр ва мурувват йили ҳамда Қурбон ҳайитига бағишлаб кўмакка муҳтож маҳалладошлари ҳолидан хабар олишга ният қилишди.

Шундай қилиб маҳалладаги саховатли кишилар кўмагида 6 та ўрам бошлиқлари, Нуронийлар комиссияси раиси, педагог тарбиячи жам бўлишиб оқсоқол бошчилигида 50 та хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари жамланган совғаларни топширишди.

Ўйлаймизки, Меҳр ва мурувват йилида «Оқтепа» маҳалласида бу каби савоб ишлар давом этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: «Оқтепа» маҳалласида Қурбон ҳайити арафасида кўмакка муҳтож оилаларга совғалар топширилмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

***Муборак Қурбон ҳайити арафасида шаҳар Қизил Ярим Ой жамияти, халқаро «Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Наврўз» хайрия жамғармалари томонидан меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар учун катта хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.***

# САХОВАТ — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Жумладан кеча Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти томонидан шаҳримиздаги 509 нафар якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар учун энг зарур тиббий дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

— Меҳр-шафқат ҳамшираларимиз дунёдаги энг савобли юмушларни адо этмоқдалар, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаши раиси Умида Муҳамедова. — Биз хизмат кўрсатадиган инсонларнинг аксариятининг ҳеч кими йўқ, якка-ёлғиз соғлиғини йўқотган, ногирон, қисқа қилиб айтганда доимий парвариш ва кўмакка муҳтождир. 34 нафар захматкаш мурувват ҳамширалари уларнинг оғирини енгил қилиш, кўнгилларини кўтариш, кимгадир керак эканлигини, ҳаётда ёлғиз эмасликларини ҳис этишлари учун туну кун хизматдалар.

Жорий Меҳр ва мурувват йилида биз ҳам қатор режа ва эзгу ниятларни режалаб қўйдик. Йилимизга мос ва хос тарзда «Мурувват ҳамшираси» — кўрик-танловини ўтказишни, Меҳр-мурувват марказини очишни кўзлаяпмиз. Ниятимиз савоб ва хайрли ишлар амалга оширилаётган ушбу йилда беминнат кўмагимиздан ҳеч бир ёрдамга муҳтож инсонлар бенасиб қолмасин.

Шунингдек бундай хайрия тадбири «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси томонидан Яккасарой туманидаги «Яккасарой» маҳалласида ҳам бўлиб ўтди.

— Меҳр ва мурувват йилини хайрли ва савобли юмушлар билан бошладик, — дейди бу тўғрида «Конституция» маҳалласи оқсоқоли Нумон Низомов. — Маҳалламиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, етим-есирлар, ногирон ва II-жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийларимиз учун имкон қадар кўмак беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бугунги тадбирга ҳам туман ҳокимлиги, туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» маркази томонидан совға-саломлар, кийим-бошлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари каби хайрия ёрдамлари келтирилиб, муҳтож оилаларга тарқатилди. Чиройли байрам дастурхони, дилтортар қўшиқ ва раслар барча йиғилганлар қалбига бир оз бўлсада иликлик олиб кирди.

Кеча яна Чилонзор туманидаги энг кам таъминланган оилаларга «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч пункти томонидан, Собир Раҳимов туманидаги Чустий маҳалласидаги якка-ёлғиз, кекса ва ногиронлар учун "Наврўз" хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан катта хайрия ёрдамлари кўрсатилди, бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурилиб кўнгиллар кўтарилди.

**Шоҳиста МУҲСИМОВА**

*Диққат, янгилик!*

# МАРКАЗНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

**Мамлакатимизда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан бошланган эзгу ишларни давом эттириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишларни кучайтириш, тумандаги вояга етмаган ногиронлар, етимлар, кам таъминланган оилалар болаларига кўрсатилаётган тиббий хизмат шароитини янада яхшилаш ва сифатини ошириш мақсадида Акмал Икромов туманида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Туман ҳудудий-тиббиёт бирлашмасига қарашли «Она ва бола» маркази қошида 30 ўринли янги «Меҳр ва мурувват» бўлими ташкил қилинди. Бу бўлимда тумандаги 15 ёшгача бўлган 800 га яқин болалар соғломлаштирилади ва диспансер назоратига олинади.**

Шунингдек, 22 нафар етим болалар шифохона шароитида болалар кафедраси ходимларига бириктирилган ҳолда соғломлаштирилади. «Меҳр ва мурувват» бўлимининг овқатлари, дори-дармонлари билан таъминланиши имкон даражада яхшиланган.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамияти ва ҳомийлардан келган ёрдамларни биринчи навбатда «Меҳр ва мурувват» бўлимига бериш мўлжалланган. Бўлимда даволанаётган болалар ҳафтада бир марта стоматология поликлиникасининг мутахассислари томонидан консультация қилинади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Қаноат ва сабр-матонат кишини юксак ишларга чорлайди.

● Қаноатсиз одам ҳеч қачон ўзини-ўзи идора этолмайди.

● Қаноатсизлик ақли қисқалик, нодонлик ва ўзбилармонлик.

● Енгил эришилган ғалабаларнинг қадри бўлмайди. Қатъий қаноатлилик билан қўлга киритилган ютуқлар билангина фахрланса арзийди.

● Иродасиз одам ҳаёти давомида турли балоларни ўз бошига ёғилишига йўл очади.

● Энг аччиқ дақиқаларда ҳам руҳинингни баланд тутишга ҳаракат қил.

● Бугунги кунинг мусибатли бўлса, бундан ҳам оғир пайтлар юз бергани, улар ҳам ўтиб кетганини ўйлаб, овунишинг керак.

● Донолар айтади: «Тарбияли хотинлар ҳар вақтда қаноатли бўлурлар. Қаноат — етишурлик миқдорига ёки хазинада топилғонига ризо бўлмоқ демакдир. Бу эса эркаклар учун ҳам, хотинлар учун ҳам энг гўзал бир сифатдир. Қаноатлик бир хазинадирки, ҳеч вақт камаймас. Етишур миқдорига ризо бўлмоғон кимса, ер тўла бойлиги бўлса, ҳаргиз қаноат қилмас. Демак, қаноатсизлик одам боласидаги бир хасталикдир. Ушбу сабаб учун қаноатсизлик ила мубтало бўлган кимса, охиратнинг тўғри йўлидан бир чекка чиқиб, кўп вақт адашиб қолур ва турмушнинг машаққатларига дучор бўлур. Қаноатсиз кишининг ҳожат нарсаси кўп ва кўзи очлиги чексиз бўлғонидан муродини ҳосил қилиш учун ҳам ёлғон сўзлар ила маддоҳлик қилур. Шунга кўра хотинларга эрларининг бор хазиналарига қаноат айламоқлик лозим бўлур.

Агарда одам боласи ҳар вақтда ўзидан бечора ҳолли кимсаларни кўриб турса ва ҳолидан яна бечора ҳолга тушуви мумкин эканини кўнглига келтурса, албатта борига қаноат этажакдир. Қўлига кирган молини эътибор ила тегишличагина сарф этган кимса ўзининг тирикчилигига ҳам рози бўлур, ҳам шукр қилур».

БАЙТ:

**Кулфатга тушганда фақат**
**битта йўл,**
**Ғамни ҳеч ўйлама, тетик**
**бардам бўл.**

● Ҳар кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юборса, бу унинг ўлимидур.

● Кишининг ўз нафсидан қочиши шердан қочганидан фойдалироқ.

ҲИКМАТ. Ҳар ким қайсар нафс куйига гирифтор бўлса, барча балолар остида хор бўлур.

● Тилни ғийбат ва бўҳтондан, ёмон сўздан асраш мардлар ишидир.

● Ғийбатга қулоқ солмоқ ҳам, ғийбатчилик ҳукмидадир.

● Ғийбат ва бўҳтон фосиқлик аломатидир.

БАЙТ:

**Ёлғон бевиқор қилур**
**одамни,**
**Ёлғон шармандалар**
**қилур одамни.**

*Танловлар*

# Энг меҳрибон қўшни

***Президент Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимизда «Экосан» жамғармаси ташаббуси бўйича «Қўшни қўшнига» шиори остида мурувват кунлари ўтказилмоқда.***

Бундан кўзланган мақсад кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар, ногирон ҳамда етим-есирларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий фаолиятни жонлантиришдан иборат. Бу хайрли ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш учун «Энг меҳрибон қўшни» республика кўрик-танловини ташкил этишга қарор қилинди. Уни «Экосан» жамғармаси, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва Ўзтелерадиокомпания биргаликда ўтказмоқда. Танловнинг республика ва жойларда фаолият юритаётган ташкилий қўмиталари таркибига Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари вакиллари ҳам киритилган.

Янги танлов ўзбек халқининг меҳр ва мурувват кўрсатишнинг турли шаклларини ўз ичига олган кўп асрлик урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантиришга қаратилган. Шу боис унда иштирок этиш учун тадбиркорлар, йирик корхоналар раҳбарлари ва бошқа ишбилармон доиралар вакиллари ҳам таклиф этилди.

Танлов икки босқичда ўтказилиб, ғолиблар Наврўз ҳамда Рамазон ҳайити арафасида аниқланади. Ёрдамга муҳтож қўшниларга таъмирлаш-тиклаш ишлари, коммунал тўловларни тўлаш, газ ва сувни ҳисоблаш асбобларини ўрнатиш, уларнинг хонадонларига ичимлик суви ва оқава сувлар қувурларини ўтказиш, маросимларни ташкил этишда кўмаклашиш - ғолибларни аниқлашнинг асосий омиллари ҳисобланади. Қўшниларни жалб қилган ҳолда ташландиқ ҳудудларни ободонлаштириш, болалар учун ўйин майдончалари қуриш, янги боғ ва гулзорлар барпо этиш ҳам ҳисобга олинади. Ғолибларга диплом ва мукофотлардан ташқари чет давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалар ҳам топширилади.

# ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.***

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиши учун зарур шароит ва инфратузилма юзага келтирилди. Жойларда тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда, уларни босқичма-босқич рўйхатга олиш тамойили амал қилиб, эмин эркин иш олиб бориши учун кенг шароит яратилмоқда.

— Ўтган йилнинг ўзида 43 мингдан зиёд кичик ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди, - деди Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи А.Далиев ЎзА мухбирига. - Кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 35,5 фоизни ташкил этди.

Тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобига 375 минг 400 иш ўрни яратилди. 23 бизнес-инкубаторда 3,5 мингга яқин иш ўрнига эга бўлган 437 кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. 2003 йилда мазкур корхоналар томонидан 3 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**ЎзА**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗИЁН?

Ҳайит байрами яқинлашгани сари одамлар ғимирлаб қолишади. Кўпчилик аёллар қуданикига юборадиган тоғораю, турли лозимандалар ташвишида, эркаклар эса ҳайит-маъракаларни ўтказиш, дастурхонни хилма-хил ноз-неъматлар билан безаш ғамида бозорма-бозор юришади. Бундай долзарб, савдо қизиган кезларда бозорчи сотувчиларнинг «ови» юришади. Вазиятдан фойдаланиб нарх-навони бирдан кўтариб юборишади.

Биз ҳам ҳар йилги анъанамиз бўйича байрамни оиламиз даврасида нишонлаш режасини туздик. Аёлим эрта туриб қўлимга иккита халтани тутди.

— Отаси, бугун жума. Яна икки кундан кейин ҳайит. Бозор қимматлашмай туриб керакли майда-чуйдаларни олиб келиб қўя қолинг.

Бу гап менга ҳам маъқул келди. Ахир доноларимиз бекорга ҳам бугунги ишни эртага қўйма, демаганларда.

Эрталабки нонуштадан сўнг, қайдасан Эски Жува бозори деб йўлга тушдик. Биз ҳали эрта десак биздан олдин отини қамчилаганлар ҳам бор экан. Ҳар қалай бозор одатдагидан гавжум, нарх-навода ҳам сезиларли кўтарилиш бор эди.

Азага борган хотин дардини айтиб йиғлайдида. Биз билан ёнма-ён бозор-ўчар қилиб юрган икки аёл куйидагича суҳбатлашарди.

— Вой Раҳимахон тушмагурей, бир ўзингизга нима зарил шунча тоғора қилиб.

— Нима қилай айланай, Худодан тилаб олган биттаю битта қизим. Бор бисотимни харжлаб, кам-кўстига бировдан қарз кўтариб бўлса ҳам ҳеч бўлмаса 10-15 та тоғорани тўлдираман-да.

— Бошингизда гариллаб турган хўжайинингиз бўлмаса, ахир қудаларингиз сизнинг аҳволингизни тушунишар.

— Худога шукр, қудаларим меҳр-оқибатли чиқди. Аллақачонлар: «Сиз ёлғиз аёлсиз, гинамиз йўқ, ҳайитга тоғора қиламан деб ўзингизни уринтирманг. Битта ҳайит бўлса уни ўтказишга қурбимиз етади» дейишди. Лекин юз амри иссиқда ўргилай. Улар шундай деди деб индамай ўтирсам инсофдан эмасда.

Усти юпун, оёғида эски калиш кийган бу аёлнинг гапи бизни лол қолдирди. Қаранг, оқ-қорани таниган қудалар ўз оғзи билан тоғора керак эмас деб турсаю, бу бечораҳол аёл бор-йўғига қарамай тоғора ташвишида юрса. Ахир кўрпага қараб оёқ узатмай ўзимизни уринтириб тоғора қилишдан кимга фойдаю, кимга зиён. Ҳар ҳайит байрамларда шу ҳақда гапирамиз. Жамоатчилик, маҳалла оқсоқоллари бу ортиқча иллатга қарши тушунтиришлар, чекловлар олиб боришади. Ўлим бўлган хонадонларда ҳайит- маъракаларни камтарона мусулмончилик арконларининг қонун-қоидаларига биноан оддийгина ўтказиш ҳақида гапиришади. Лекин бу фойдали маслаҳатларга ҳаммамиз бирдек амал қилавермаймиз. Нега? Нимага? Бу ҳақда яна бир бор жиддийроқ мулоҳаза юритиб кўрсак яхшироқ бўларди.

## ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН

Ошхонада икки йигит улфатчилик қилиб ўтирарди.

— Рустам, қаерда ишлаяпсан?

— Ошхонада.

— Зўрку, ойлиги қанақа?

— Суриштирма биласанку, ҳозир ойлик билан тирикчилик ўтказиш қийин. Тушуми яхшида.

— Шунақами? Бир кунда қанча топасан?

— 2-3 минг.

— Қандай қилиб?

— Хўжайинимиз ҳар гапида «сопини ўзидан чиқаринглар», деб уқтиради. Биз ҳам шунга амал қилиб ҳам бўйидан, ҳам энидан уришга ҳаракат қиламиз. Қийин-қийин —хўрандаларга қийин. Хоҳласанг сенга ҳам ёғлиқ иш топилади. Жойлаштириб қўйишим мумкин.

Икки навқирон ёшдаги йигитнинг тўғри йўл қолиб қинғир йўлни танлагани ғашимизга тегди. Уларни суҳбатга тортишга ҳаракат қилдик. Йигитлар олдинига ётсираб туришди. Кейин гапимиз қовушиб кетди.

— Бир ривоят айтиб берсам майлими, — сўрайман улардан юмшоқлик билан.

— Майли эшитамиз отахон, — дейишди улар кулимсираб.

— Бўлмаса эшитинглар. Қадимги араб халифаларидан Хорун ар Рашид янги бир сарой бино қилмоқчи бўлади. Шу саройнинг ўртасига тўғри бир устун қўйиш керак бўлиб қолди. Хорун ар Рашиднинг буйруғи билан шундай тўғри устунни қидириб-қидириб, ниҳоят Бағдод шаҳрига яқин бир қишлоқдан топадилар. Уни Бағдодга келтирдилар. Ҳалифа ўзининг амалдорлари билан бирга устунни кўриш учун у қўйилган майдонга келди. Томошабинлар орасида донишманд Баҳлул деган доно ҳам бор эди. У майдондаги кишилар орасини ёриб чиқиб, устун ёнига келди. Устунга қулоғини тутиб, унга пичирлаб бир неча сўз айтди.

Халифа унинг қилиғидан таажжубланиб бунинг сабабини сўради. Баҳлул доно шундай деди:

— Мен устундан: «Сен бир ёғочсан, нега бунча иззат ва ҳурматга лойиқ бўлдинг? Ҳатто халифа ҳам сенга пешвоз чиқиб, кўргани келди», деб сўраган эдим, устун шунда:

— Мен эгри бўлмадим. Тўппа-тўғри ўсдим. Тўғрилигим шундай иззат-ҳурматга сабаб бўлди. Агар эгри бўлганимда, аллақачонлар мени ўтин қилиб ёқиб юборган бўлардилар, деб жавоб берган экан.

— Қалай маъқулми бу ҳикоя? — атайлаб сўрадим йигитлардан.

— Ёмон эмас, — дейишди улар.

— Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, қабилидаги гапимни шу тариқа уларга баён этдим. Бу ҳикоятдан қандай хулоса чиқариш йигитларнинг ўзларига ҳавола. Энг муҳими улар коса тагидаги нимкосани тушуниб етишган эди.

## ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛИГИ АВЖ ОЛМОҚДА

***Денгиз қароқчилигини фақат XVII-XVIII асрларга хос «фаолият» деб ҳисоблаш нотўғри. Денгиз қароқчилари ҳали ҳам бор. Улар ҳам замон билан ҳамнафас, тезюрар кемалар ва замонавий қуролларга эга.***

Кейинги пайтда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари соҳилларида денгиз қароқчилиги кескин авж олаётир. Айниқса, Индонезия, Бангладеш ва Нигерия сувликлари қароқчиларнинг уясига айланган.

Халқаро денгиз бюроси (ХДБ) ҳисоботида қайд этилишича, ўтган йилнинг ўзида мазкур ҳудудларда савдо кемаларига 445 маротаба ҳужум уюштирилган. Бу кўрсаткич 2002 йилдагига нисбатан 20 фоизга кўпдир.

Денгиз қароқчилиги Малакка ва Адан кўрфазларида, Ҳиндистон соҳиллари ҳамда Вьетнам, Венесуэла ва Филиппинга яқин ҳудудларда ҳам қайд этилган. Қачонлардир энг хавфли ҳудуд саналган Сомали соҳиллари эса бу гал «қора рўйхат»га тушмади. Бироқ, бу ушбу ҳудудда тартиб ўрнатилди, дегани эмас. Гап шундаки, Сомали соҳилларида қароқчилик кучайгани боис кемалар умуман қатнамай қўйган.

Энг ачинарлиси, кўплаб бегуноҳ одамлар денгиз қароқчиларининг қурбонига айланмоқда. ХДБ маълумотларига кўра, қароқчилар ҳужуми оқибатида 2003 йилда 21 киши ҳалок бўлган ва 71 нафар одам дом-дараксиз йўқолган. ХДБ вакиллари сўнгги вақтларда денгиз қароқчилари томонидан улкан танкерларга ҳам пухта режалаштирилган ҳужумлар уюштирилаётганини таъкидламоқда.

Ҳужумлар, айниқса, серқатнов транспорт йўлакларидан саналган Малакка кўрфазида тез-тез содир этилаётир. Чунки айнан, мазкур ҳудуд Яқин Шарқдан Тинч океани минтақасига нефть келтириладиган асосий сув йўлидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қароқчилар бундай танкерларга тезюрар кемалари билан турли томондан ҳужум қилар экан. Кўриниб турибдики, замонавий қароқчиларнинг фақат техник имкониятларигина эмас, балки тактик усуллари ҳам анча такомиллашган.

Ҳозир мазкур муаммога қарши барча мамлакатларнинг денгиз ҳудудларида кураш кучайтирилмоқда. Бугунги кунда Таиланд, Малайзия, Сингапур, Эквадор, Камерун, Габон ва Гайана сув чегараларида вазият анча яхшиланган. Чунки, мазкур мамлакатлар ўтган йили денгиз зўравонларига қарши самарали кураш олиб борган.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*2 — 8 февраль*

**Қўй** ( 21 март — 20 апрель) — Ҳафта бошида дўстларингиз билан муносабатларингиз ўзгаради. Ўзингизнинг шахсий ишларингиз тўғрисида ўйланг. Ишдаги айрим муаммолар ҳафта охирида ўз ечимини топади.

**Бузоқ** ( 21 апрель — 20 май) — Бу кундан бошлаб ҳаётингизда бўладиган катта ўзгаришлар оилангизда ва иш жойингизда қувончли воқеа ва янгиликлардан иборат бўлади. Мақсад ва орзуларингиз амалга ошади.

**Эгизаклар** (21 май — 21 июнь) — Ушбу ҳафта тадбиркорлар учун унумли кечади. Ҳафта ўрталарида эса баъзи келишмовчиликлар асабларга тегиши мумкин. Бироқ бошлаган ишлари яхши даромад келтиради.

**Қисқичбақа** (22 июнь — 22 июль) — Ҳафтанинг сиз учун ноқулай келиши кутилмоқда. Ёлғон, майда гапларга ишониб кайфиятингиз тушади. Бу ҳолат ишингизга таъсир этади. Тушкунликка тушмасликка ҳаракат қилинг.

**Арслон** (23 июль — 23 август) — Бу ҳафта оилангизда эсда қоладиган қувончли воқеалар билан бошланади. Ниҳоят сиз кутган фурсат келди. Бахт ва омадли кун сиз ва оилангиз учун унутилмас бўлади.

**Паризод** (24 август — 23 сентябрь) — Ушбу ҳафта мулоқот ва ижод учун қулай фурсат. Таниқли шахслар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашасиз. Янги режаларни ойдинлаштиришга киришасиз.

**Тарозу** (24 сентябрь — 23 октябрь) — Бу ҳафтада бир қатор саволларга жавоб топишингиз керак. Ишдаги баъзи муаммоларнинг ечимини топиш қийин кечади. Чуқур мулоҳаза билан ишлашингиз керак бўлади.

**Чаён** (24 октябрь— 22 ноябрь) — Оилангизда олдиндан режалаштирган ишларингиз ўзгаради. Фарзандларингизнинг омадидан қувонасиз. Сарф-харажатларингиз бироз кўпаяди.

**Ўқотар** (23 ноябрь — 21 декабрь) — Ҳамкорлар танлашда алданиб қолманг. Молиявий жиҳатдан ўйлаб иш кўришингиз керак. Шошма-шошарлик панд бериб қўйиши мумкин.

**Тоғ эчкиси** (22 декабрь — 20 январь) — Ҳафтанинг ўрталарида иш қобилиятингиз сусайиб, кайфиятингиз тушади. Лекин дўстларингиз маслаҳати сизни яна ғайрат билан ишлашга ундайди. Рақибларингизга эътибор қилманг.

**Қовға** (21 январь - 19 февраль) — Бошланажак ҳафтада иқтисодий муаммоларни қандай ҳал қилишни ўйланг. Яқинларингизга нисбатан гина-кудуратни унутинг. Соғлиғингизга жиддий эътибор қаратишингиз зарур.

**Балиқ** (20 февраль — 20 март) — Ушбу ҳафта сиз ўйлаганча тинч ва сокин ўтмайди. Таваккал қилиб бошлаган ишингиз яхши натижа бермаслиги мумкин. Барибир бу ишни охирига етказиш учун ўзингизда ирода ва ғайрат бўлиши керак.

## ПОЙТАХТ ЭКОЛОГИЯСИ ЯХШИЛАНМОҚДА

***Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида пойтахтимизда экологик ҳолатни яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида ўтган йили амалга оширилган ишлар якуни ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Ишлаб чиқариш жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланишга қаратилаётган эътибор туфайли табиатга чиқарилаётган зарарли чиқитлар миқдори камайиб боряпти. Ўтган йили сув, ҳаво, тупроқ ифлосланишининг олдини олишга, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган икки юзга яқин амалий тадбир ўтказилди. Бунинг самараси ўлароқ, 86,8 минг кубометр ичимлик суви тежалди, ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар қарийб тўрт юз тоннага камайди.

Йиғилишда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, аҳоли экологик маданиятини юксалтиришда маҳаллалар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид вазифалар белгилаб олинди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## “БИОТЕХНОЛОГИЯ ВА САБЗАВОТЧИЛИК”

***Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида “Биотехнология ва сабзавотчилик” мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.***

Тадбир Биология тупроқшунослик факультети профессор ўқитувчилари ҳамда “Рейтз ван” фирмаси ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унда биотехнология ва ирсий муҳандисликнинг янги навлар яратишдаги аҳамияти, мамлакатимизда биотехнологиянинг истиқболи ва ғарб компаниялари томонидан соҳа ютуқларини юртимизда қўлланилиши масалалари хусусида сўз юритилди.

Семинарда “Рейтз ван” фирмасининг иш фаолияти иштирокчиларга таништирилди. Мазкур фирма бир неча йилдан бери республикамиздаги деҳқон ва фермерлари билан ҳамкорлик қилиб, уларга сара, касалликларга чидамли, иқлим шароитимизга мос уруғларни етказиб бериб келмоқда.

-Тупроқни ўрганиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади, - деди профессор Латиф Турсунов. - Ҳозирги вақтда тупроқ унумдорлигини оширишда тўртта асосий муаммо мавжуд. Булар тупроқ чириндисини сақлаш, тупроқ шўрланишининг олдини олиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан асраш ҳамда тупроқни кимёвий ифлосланишдан асраш муаммоларидир. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда мўлжалланган ҳосилни олиш учун аввало шу муаммоларни бартараф этишимиз лозим.

**С.НАЗАРХЎЖАЕВА,**
**“Туркистон-пресс”**

**Ўзбекистонда дори-дармонлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган саноат корхоналари кўп. Уларнинг аксарияти «Ўзфармсаноат» республика компанияси таркибида фаолият кўрсатиб, аҳолини турли фойдали препаратлар билан таъминлаб келмоқда.**

*Тиббиёт*

## ЭНГ ЯХШИ ДОРИЛАР— КЎРГАЗМАГА

Бу каби аъло сифатли дори-дармонлардан маълум қисми четга экспорт қилинмоқда. Харидоргир бўлган бу хил маҳсулотларни тарғиб қилишда республикамизда ташкил этилаётган кўргазмалар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. «Фармация» деган номда уюштирилаётган экспозициялар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда. Мамлакатимизнинг бош кўргазма майдони ҳисобланган «Ўзэкспомарказ» павильонларида ташкил этилаётган «Фармация» Республика кўргазмаси орқали препаратларнинг кўпи харидоргир маҳсулот сифатида четга экспорт қилинмоқда.

Бу йил ушбу марказда бундай экспозиция янги экспонатлар билан бойитилиб, қайта кўрсатиладиган бўлди. Бунинг учун «Ўзфармсаноат» компанияси корхоналари энг яхши доривор воситаларини тайёрлаб, алоҳида йирик кўргазма ҳолига келтиради.

**Акбар АЛИЕВ**

*Тадбирлар*

## ЖУРНАЛ ЮБИЛЕЙИГА ТАРАДДУД

***Мамлакатимизда чоп этиб келинаётган тўнғич педагогик журнал «Халқ таълими» яқинда ўзининг 85 йиллик тўйини нишонлайди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги илмий-педагогик журналининг бу санаси муносабати билан жойларда журналхонлар анжуманлари ўтказилмоқда.***

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида уюштирилган тадбир ҳам шу санага бағишланди. Унда журналнинг бош муҳаррири профессор Жўра Икромов ушбу матбуот нашрининг босиб ўтган йўли ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Унинг саҳифаларида ёритиб келинаётган илмий мақолалар журналхонларга манзур бўлаётганини сўзга чиққан ўқитувчилар мамнуният билан тилга олдилар.

Институт ректори профессор Ҳамидулла Йўлдошев «Халқ таълими» журнали томонидан босмага тайёрланаётган мақолаларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида фикр юритди.

**Анвар АКРОМОВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Poytaxt INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45
*Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-*

Мирзо Улуғбек тумани маиший хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида 67-06-55 телефони орқали қабул қилинади.

***ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ***
каталог бўйича пардалар тикамиз. Карниз ўрнатамиз.
Тел: 176-63-87, 46-70-25.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
***Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.***
***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.***
***Факс: (3712) 133-29-09.***

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси томонидан «Ҳуқуқий маърифат» газетасига 1999 йил 12 апрелда берилган 00077 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи В.Шавкат, таниши Шамсидовнинг рафиқасини «ўқишга киргазиб қўяман» деб алдаб, ундан 300 АҚШ долларини олиб, қайтариб бермаган.

● Юнусобод туманидаги «Уголок» кафеси олдида М.Равшан Г.Илҳомованинг ишончига кириб олиб «ўғлингизни қамоқдан озод қилиб бераман», деб алдаб 3.075.000 сўмлик сариқ металлдан ясалган тилла тақинчоқларини олиб қайтариб бермаган.

● А.Икромов туманида яшовчи Мақсудова, ҳеч ерда ишламайдиган Р.Исматовадан «Кореяга ишга юбораман» деб алдаб, 150 АҚШ долларини ва 220.000 сўм пулини олиб қайтариб бермаган. Ҳозир ҳар уччала иш юзасидан тергов ҳаракатлари кетмоқда.

● Инсон бу дунёга келгач унда орзу-умид, қандайдир эзгу туйғулар уйғонади. У бу орзу-умидларни рўёбга чиқаришга интилади. Афсуски, орзулари сўнган Музаффар эса ўзини ичкилик, гиёвандлик йўлига урди.

Музаффарнинг ширингина оиласи бор эди. Улар тинч-тотув яшар эдилар. Лекин борган сайин Музаффарнинг иши орқага кетиб уйида арзимаган нарсага жанжал чиқа бошлади. Музаффар ишдан чарчаб келса ҳаммаёқ бесаранжом, хотини эрини кўриши билан салом ўрнига «Бугун неча сўм олиб келдингиз» деб яна жанжал чиқарар, ҳаттоки бир-бирларига мушт ҳам кўтаришар эди. Музаффар уйдаги камчиликларни тўлдиришга ҳаракат қилди, лекин чора топа олмай ичкиликка берилиб кетди. У ишдан ҳам ҳайдалди. Ичкиликка ружу қўйган Музаффар уйига келмайдиган бўлиб кетди. Хотини ва ёлғиз ўғлини ҳам эсдан чиқарди.

Чорасиз қолган аёл эса пул топиш баҳона қинғир йўлга кириб кетди. 11 ёшли Улуғбек шу йўсинда улғая борди. Отасидан дарак йўқ. Онаси эса кечаю кундуз қаерлардадир юрар эди. Улуғбек 20 ёшга ҳам тўлди. Ўзига яраша дўст орттирди. Афсуски, яхши дўстни танлай олмаган Улуғбек гиёвандлик йўлига кириб қолди. Унинг дўстлари қаердан, қандай қилиб гиёванд моддаларини олишни ўргатдилар. У қинғир йўллар орқали мўмайгина пул топа бошлади. Лекин бу иш унга кулфат олиб келди.

Улуғбек марихуана моддасини танишига пуллаётган вақтида шаҳар ИИББ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Лекин бир нарса кишини чуқур ўйга солади: Улуғбек бу қинғир йўл орқали халқига хиёнат қилаётганини англаб етдимикан, ҳаёти барбод бўлганини тушунганмикан. У бу йўл орқали темир панжара ортига тушишини билганмикан.

Қинғир иш кулфатдан бошқа ҳеч нарса олиб келмаслигини иродаси бўш, қийинчиликларни енгиб ўта олмайдиган ёшлар билиб қўйсалар фойдадан холи бўлмайди, албатта.

**Дилдора РАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмита ходими Умида Камоловага турмуш ўртоғи **Фарҳод КАМОЛОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Шахмат*

# БИРИНЧИЛИК ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

***Илгари хабар берганимиздек, кеча республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича ўтказилаётган шаҳар биринчилиги мусобақаларининг финал босқичи ниҳоясига етди.***

— Шаҳар биринчилиги мусобақаларида қатнашган ёш, умидли шахматчиларнинг ўйинларини кузатсангиз уларнинг эртаси порлоқ эканлигига ишончингиз ортади, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон шахмат федерациясининг Тошкент шаҳар шахмат бўлими котиби Тўлқин Қўқонов. — Мурод Мамасолиев, Сирож Нажмиддинов, энг кичик қатнашчи, жаҳон чемпионати иштирокчиси Улуғбек Тиллаев, Борис Хван каби умидли, истеъдодли, маҳоратли шахматчилар эртага юрт ғурурига айланишларига шубҳа йўқ. Кўнгилга фахр бағишлайдиган яна бир томони шаҳар биринчилиги мусобақаларида бизнинг 15-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабимизнинг ўзидан 34 нафар кучли шахматчилар иштирок этиб, муносиб дона сурдилар. Истардимки сирли мўъжиза — одамга олам-олам завқ-шавқ улашувчи, маънавий қувват бағишловчи шахмат ёшлар ўртасида яна ҳам кенгроқ ўрин эгалласа. Инсондаги фикрлаш қобилиятини чархлайдиган шахмат дарсларини ўтиш мактабларда йўлга қўйилса.



— Олдинги мусобақалардан фарқли ўлароқ ушбу шаҳар биринчилиги ўзгача, юқори кўтаринкиликда ўтди, — дея суҳбатга қўшилди «шахматнинг отаси» дея таъриф берилган, гроссмейстер Георгий Борисенко. — Шогирдларим Темур Гареев 2505 рейтинг билан Осиё чемпионлигини қўлга киритган бўлса, Антон Филиппов 2500 рейтинг билан икки марта Осиё чемпиони унвонига эга бўлди. Чемпионларимиз сафи тобора ортаверсин.

Ниҳоят — қунт ва сабот билан, ақлни пешлаб дона сурган, 9 тур баҳсларида энг кўп очко жамлаган иштирокчилар ғалаба шоҳсупасини эгалладилар. Биринчи ўринни Мурод Мамасолиев забт этган бўлса, Жаҳонгир Қурбонов иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўринга Андрей Квон муносиб деб топилди.

Биз тенгдошлари орасида ўз иқтидори билан биринчиликни эгаллаган ғолиблар билан суҳбатлашдик.

— Мен жаҳонга чиқишни ният қиламан, — дейди иккинчи ўрин соҳиби Тошкент Давлат шарқшунослик институти II-босқич талабаси Жаҳонгир Қурбонов. — Институт ва университет талабалари ўртасида ўтказиладиган «Универсиада» ўйинларида, қатор мусобақаларда мунтазам қатнашаман. Тажриба ва маҳоратимизни доимо ошириб боришимиз керак деб ўйлайман.



Шундай қилиб шахмат бўйича шаҳар биринчилиги мусобақалари якунланди, энг кучли деб топилган шахматчилар шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, шаҳар шахмат бўлими ва ҳомийлар томонидан Фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, биринчи ўнталикдан ўрин олган шахматчилар 13 февралдан бошланадиган Ўзбекистон чемпионатининг биринчи лигасида қатнашиш учун йўлланмани ҳам қўлга киритдилар.

Омад ёр бўлсин, эртаси порлоқ, келажаги нурга тўлиқ иқтидорли, истеъдодли ёшлар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: мусобақа ғолиб ва совриндорлари (чапдан) Жаҳонгир Қурбонов ва Мурод Мамасолиев мураббийлари Алексей Букиндан йўл-йўриқ олмоқдалар; биринчилик қатнашчиси спорт усталигига номзод Таисия Сухорукова.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Бўш вақтингизда*

## Бошқотирма



**Энига:** 6.Таниқли немис автопойгачиси. 8. Таомни хушхўр қилувчи моддалар. 9. Инергаз. 10. Марказий Осиёдаги пасттекислик. 11. Тасвирий санъат асари. 12. Ов милтиғининг ўқи қисми. 14. Ўзбек тилида ҳам асарлар ёзган XVIII аср туркман шоири. 15. Цирк санъаткори.

**Бўйига:** 2. Пластмассага мансуб бўлган сунъий ашё. 3. Ўзбек халқ мақоми. 4.Шамсия йили ҳисобидаги тўртинчи ой. 7. Беллашувдаги қарама-қарши томон. 8. Урма соз. 12. Эшик юқорисидаги токча. 13. Исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат. 16. Ёғин асоси.

**Ёйлар бўйича:** 1.Баъзи тури манзарали, Америка чангалзорларида ўсувчи тиканли гиёҳ. 5. Зийнат буюми устаси. 17. Тропик хушбўй мева. 18. Пойтахти — Оттава.

**Катаклар бўйича «занжир» ҳолида:** 19. Араб алифбосидаги ҳарф. 20. Болгария валютаси. 21. Қурилманинг айланадиган қисми. 22. Туси оқ нодир металл. 23. Сув йўли. 24. Туркия кўли. 25. Фойда. 26. Электр сиғимининг ўлчов бирлиги. 27. Фармон. 28. Рангли металл. 29. Тупроқ. 30. Автомобиль қисми. 31. Жанубий Америкадаги тоғлик. 32. Чарх асбоби қисми. 33. Йил фасли. 34. Оч яшил тусли қимматбаҳо тош. 35. Исм. 36. Европадаги давлат пойтахти. 37. Танаси қаттиқ дарахт. 38. Атлантика океанининг бир қисмини ташкил этувчи денгиз. 39. Парранда. 40. Ҳўл мевадан тайёрланган ичимлик. 41. Электр заряди оқими. 42. Елим, бўёқ тайёрлашда ишлатиладиган сут таркибидаги оқсил модда.

## Муаммонома

**Очқич сўзлар:** 1. Маккадаги зиёратгоҳ маскан — 4, 1, 15, 16, 1.

2. Кўп ишлатиладиган металл — 5, 14, 10, 8, 12.

3.Мусиқа асбоби — 2, 1, 6.

4. Амир Темур ҳикматидан: Бирликсиз 4, 13, 11 бўлмас.

5. Шиддатли ёғин — 7,9,3.

Очқич сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган «Оталар сўзи» тўпламида баён этилган ҳикматлардан бирини билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 23 январь сонида берилган кроссворднинг жавоблари:**

**Ёйлар бўйича**: 1.Роотаре. 4. Шакароб. 5. Чегирма. 6. Дилором. 18. Горилла. 20. Графика. 27. Жоконда. 28. Кунгура.

**Энига**: 7. Циферблат. 11. Илон. 14. Депо. 15. Карабин. 16. Никоҳ. 17. Жавзо. 21, Пирамон. 22. Иена. 23. Шарф. 26. Прожектор.

**Бўйига**: 2. Трио. 3. Амал. 8. Роман. 9. Котангенс. 10. Термограф. 12. Каротин. 13. Зиравор. 19 Данте. 20. Арно.25. Бонг.

**МУАММОНОМА**

**Ҳикмат: Камолотга камтарлик ҳамроҳ.**

**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-207.

1 2 3 4 5 6